

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАЛИТОВ ЕРГАШ БУРАНЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҚАРДОШ
ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

(таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб
бориладиган мактабларнинг V–IX синфлари адабиёт дарслари мисолида)

**13.00.02. – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси(ўзбек адабиёти)
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Абдувалитов Ергаш Бураневич

Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш (таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг V–IX синфлари адабиёт дарслари мисолида).....5

Абдувалитов Ергаш Бураневич

Сопоставительное изучение литературы братских народов в средних общеобразовательных школах (на примере уроков литературы в V–IX классах с узбекским, казахским, киргизским, каракалпакским и туркменским языком обучения)26

Abduvalitov Ergash Buranevich

Comparative study of related nations` literature at secondary schools (on the example of literature lessons in the V–IX forms at schools on the base of Uzbek, Kazakh, Kirgiz, Karakalpak and Turkmen languages).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАЛИТОВ ЕРГАШ БУРАНЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҚАРДОШ
ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

(таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб
бориладиган мактабларнинг V–IX синфлари адабиёт дарслари мисолида)

**13.00.02. – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси(ўзбек адабиёти)
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Ped113 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда "Ziyonet" ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Матчанов Сапа**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ниёзметова Роза Хасановна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Қодиров Валижон Абдурахманович
педагогика фанлари доктори

Мингбоев Нурлан Жакипович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Нукус давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «23» июль соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-4244; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz))

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» июль кuni тарқатилди.
(2020 йил «15» июль даги 3 рақамли реестр баённомаси)


Қ.Б.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.


С.Аширбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимидаги ижтимоий педагогик тузилмаларда жаҳон адабиётини қиёсий ўрганиш мисолида миллий адабиёт билан ўзга халқлар адабиёти ўртасидаги умумийлик ва фарқларни теран тушуниш, ҳар бир миллий адабиёт жаҳон адабиётидан айри ҳолда тараққий қила олмаслигига оид адабий қарашлар умуминсоний кадриятлар, хусусан, дунёқараш ва тафаккур тарбиясида муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилмоқда (БМТнинг таълим, фан ва маданият масалаларига доир Битимида). Хитойнинг Конфуций таълимотига асосланган Шанхай педагогика университети лабораториясида “этномаданият ва толерантлик” юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар, Япониянинг “Миллий тараққиёт” илмий марказида адабий таълимнинг ижтимоий тараққиёт омили сифатида ўрганилишига доир изланишлар шулар жумласидандир.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим тизимида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш орқали ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, юксак маънавиятли баркамол шахсни камол топтириш юзасидан жаҳон адабиёти намуналарини қиёсий ўрганиш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг миқёсда қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётганлиги, 16та конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритаётганлиги миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш муаммоси умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш маънавий-маърифий, сиёсий-мафкуравий жиҳатдан ғоят долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармонлари, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги ПФ-4789-сонли Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги

ПҚ-187-сонли, 2018 йил 18 майдаги “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-376-сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида жаҳон адабиётини турли миқёсда қиёсий ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, таълим тизимида янги технологиялар методикаси юзасидан тадқиқотлар олиб боришга мўлжалланган Assokiation for educational communications and technology-aest (АҚШ); Swiss federal institute of technology (Швейцария); Ecith cowan university (Амстердам); Канада таълим ва фан маркази (Канада); Хитой педагогик тадқиқотлар миллий институти (NIES, Гуанжоу); Belfield Pedagogical University (Германия) педагогик технологиялар маркази каби олий таълим муассасалари ва илмий марказларда фанларни интегратив асосда ўқитиш технологиялари бўйича бир қанча амалий натижаларга эришилган.

Дунё олимлари томонидан олиб борилган изланишлар адабий таълим тизимига ҳам тегишли бўлиб, таълим методикасида изчиллик, интенсивлик, коммуникативлик, компетентлиликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Адабий алоқаларни ўзаро боғлиқликда, ушбу жараёнда мавжуд бўлган ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда қиёсий таҳлилий ўрганиш масалалари, адабиётни қиёсий ўқитиш, унинг методологиясига доир қарашларда туркий халқлар адабиёти намуналарини ўқиш ва ўрганиш, уларни эстетик жиҳатдан

¹ Исмаилов А.М. Русскоязычное книгоиздание в межэтническом взаимодействии государств Центральной Азии (последнее десятилетие XX – начало XXI вв.) (Диссертация), Новосибирск, 2014.; Жигалова М.П. Типология анализа произведений русской литературы в школах Республики Беларусь: 10–11классы. (Диссертация). – Москва, 2005.; Зарипова З.А. Изучение автобиографических произведений на уроках русской литературы в 7-8 классах в школах Башкортостана (Диссертация). –Москва, 2000.; Сальникова М.П. Формирование оценочных суждений учащихся на уроках русской литературы в школах Республики Татарстан: на материале изучения прозы А.П.Чехова (Диссертация). – Казань, 2011.; Абдулхаликова А. Г. Сопоставительное изучение произведений русской и татарской литературы в школе с русским (неродным) языком обучения. Автореферат. – Самара, 2003. Мельникова Т.Н. Русская и белорусская сатирическая проза периода 20-х годов XX столетия (М.Булгаков, М.Зошенко, К.Крапива, А.Мрый). – Минск, 1997, 24-с. Хайруллин Р.З. Проблемы изучения курса “Литература родственных (тюркских) народов” в вузе. –Вестник МГПУ. 2009. – №1 (16). Хакушева М.М. Сопоставительное изучение произведений русской и родной литератур в 5–7 классах общеобразовательных учреждений Кабардино-Балкарской Республики: Дис. ... канд. пед. наук: 13.00.02. –Москва, 2005 167 с. Кунекова Т.М. Методические основы формирования читательского интереса учащихся на произведениях Чингиза Айтматова (Диссертация). – Бишкек, 2017, 149 с. Jana Vokářová. A Comparative View of English, Czech, French and German Idioms. – Theory and Practice in English Studies 3 (2005): Masarykova univerzita.

тушуниш, туркий этник-маданий жамоага ўттиздан ортиқ халқлар кириши ва бу халқлар эгаллаган ҳудуд жуда катталиги (Россия, Шимолий Кавказ, Марказий Осиё) билан изоҳланиши тарих, маданият, урф-одатлардаги тафовутларга қарамай, ягона гуруҳга мансубликка асосланган муайян кизиқиш, ўхшаш анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, миллатлараро анъанавий маданиятнинг қайта тикланиши миллий менталитетни сақлаш, жамиятнинг маънавий озикланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бадиий асарни тушуниш инсон маданиятига боғлиқлиги, ҳар бир ўқувчи ўзининг она тили, адабиёти ва маданиятини билмаган ҳолда бошқа халқлар тили ва адабиётини англай олмаслиги масаласига доир хорижий илмий тадқиқотлар шарҳидан адабиётларни қиёсий ўрганиш нафақат қардош халқлар адабий таълимида, балки ўзга халқлар адабиётини ўрганишда ҳам муаммо эканлиги хусусида хулосага келиш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Филолог олимларнинг қиёсий адабиётшуносликка оид ишларида ҳар бир миллий адабиётда конкрет миллийлик орқали намоён бўладиган умумий, байналмилал мазмун мавжудлиги айтилади. В.Жирмунский, Ҳ.Зариф, М.Қўшжонов, Д.Дюришин, М.Нурмухамедов, М.Ҳамроев каби олимларнинг бу борадаги ишлари компаративистика ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган бўлса, мустақиллик йилларидаги етакчи филолог олимлардан Ф.Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” номли фундаменталь тадқиқотида қадимий давр ва ўрта асрлар маданияти, унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни Шарқ ва Ғарб маданияти, шу жумладан, адабиётларининг ҳам ўзаро боғлиқликда ривожлангани ўрганилган. У.Саидовнинг “Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар” китобида айни муаммонинг фалсафий талқини берилган бўлса, К.Қурамбоевнинг “Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар” китобида ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари тарихи кенг миқёсда тадқиқ қилинганлиги, А.Рашидовнинг “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” монографиясида ўзбек-қирғиз, қирғиз-ўзбек, Қ.Сейдановнинг “Туысқандар” асарида адабий алоқаларига доир илмий далилларга бой эътиборга лойиқ кузатишлар² мазкур муаммонинг миллий адабиётшунослик илмида маълум даражада ишланганидан далолат беради.

Афсуски, қардош халқлар адабиётини ўрганиш адабиёт ўқитиш методикаси билан шуғулланувчи олимлар назаридан четда қолиб келмоқда. Ҳолбуки, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, туркман мактабларида рус адабиётини ўқитиш бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган. Адабиёт ўқитишнинг турли-туман муаммолари бўйича қатор диссертациялар ҳимоя қилинган бўлса-да, ушбу диссертация муаллифининг илмий ишини ҳисобга олмаганда,

²Сулайманова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 415-б; Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 2000 б.; Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2008. – 2000 б.; Қурамбаев К. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар. – Тошкент: Cholpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009. – 456 б.; Рашидов А. Чингиз Айтматовнинг бадиий олами. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 183 б; Сейданов Қ. Туысқандар. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 432б.

қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, методлари, мазмун-мундарижасини тадқиқ этиш юзасидан бирор илмий иш яратилмади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида қардош халқлар адабиётига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда миллий адабиётларнинг муштарак ва фарқли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш замонавий методика фанининг муҳим вазифалари доирасига киради. “Маълумки, ҳар қандай фан ўз моҳияти, мазмуни, тарихи, ривожланиш қонуниятларига эга бўлади. Булар фаннинг методологик асосларида ўз ифодасини топади. Алоҳида олинган фаннинг методологик асоси жамиятнинг муайян илмий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий, ахлоқий-маънавий қарашларига чамчарчас боғлиқ бўлиши азалий ҳақиқатлардандир. Буларнинг ёнида санъатгагина алоқадор ҳодисаларга тегишли бўлган айрича хусусиятларга эга бадиий-эстетик омилни ҳам назарда тутиш зарурати бор. Шулардан бири, унинг жамиятнинг ривожланиш тарихидаги бошқа омиллар билан ҳар доим ҳам уйғун кела олмаслигида намоён бўлади. Зеро, санъатнинг замирида муайян даражада индивидуал ижодга алоқадорлик мавжуд. Шунинг учун унинг яшаш тарзида бу омил ҳам алоҳида аҳамият касб этади”³.

Адабий таълим мазмуни ва усулларини ҳозирги замон талабларига мос равишда қайта ишлаш ва такомиллаштира бориш давр талаби бўлиб, у ўз ичига қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш масаласини ҳам қамраб олади. “Адабиёт ўқитишнинг вазифаси, – деб ёзади профессор Қ.Йўлдошев, – ҳар бир халқнинг ўзигагина хос маънавий кадриятлар мажмуида идрок этиш мумкин эканлигини ўқитувчиларга сингдириш ҳамдир. Зеро, ўз маънавиятини қандай кадриятларга таяниб шакллантиришни билмаган шахс харитасиз номаълум юртга саёҳат қилган кишига ўхшайди”⁴.

Демак, қардош халқлар адабиётини ўқитиш самарадорлигига эришишда ўқитувчининг касбий маҳорати ва пухта билими катта аҳамият касб этади. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш ўқувчиларга билим беришнинг таълимий-тарбиявий жиҳатларини мужассамлаштиришига кўра таълим-тарбия бирлиги принципига амал қилишни тақозо этади. Қардош халқлар адабиёти намуналарини чуқур ўзлаштиришга эришиш ўқувчиларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашнинг муҳим омилдир. Зеро, ўзгани билган одамгина ўзини англаб етади.

Афсуски, қардош халқлар адабиётининг миллий ва умуминсоний хусусиятларини ҳисобга олиб ўқитиш шу вақтга қадар махсус тадқиқот предмети бўлмаган, бу борада самарали фаолият кўрсатиш йўллари алоҳида ўрганилмаган. Ушбу диссертацияда қардош халқлар адабиётини ўқитиш тизимини шакллантириш, таълим мазмунини янгилаш, бу жараёнда янгиланган педагогик тафаккур талабларига амал қилиб, ўқувчиларда

³ Тўхлиев Б. Адабий таълим методологиясига доир // Туркий дунё ифтихори (Ч. Айтматов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами). – Андижон, 2008. – 34-б.

⁴ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. –Тошкент.: Ўқитувчи, 1996. – 45-б.

олдиндан шакллантирилган билим ва маънавий хусусиятларни фаоллаштириш, шу асосда уларда миллий бағрикенглик, байналмилаллик, умуминсоний қадриятларга муҳаббат каби туйғуларни шакллантиришнинг самарали йўллари кўрсатилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек, қозоқ тили ва адабиёти” кафедрасининг “Ўзбек (қозоқ) тили ва адабиётининг илмий тадқиқи ҳамда уни ўқитишнинг замонавий технологиялари” мавзусидаги умумий илмий режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қардош халқлар адабиётининг ўзига хослиги ва умумий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қиёсий ўрганишнинг оптимал мазмуни ва мақсадига мувофиқ тарзда ўзлаштириш йўллари илмий асослаш мисолида адабиёт ўқитишнинг самарадорлигига эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориладиган мактаблар учун адабиёт фани бўйича яратилган ўқув адабиётларини қиёсий ўрганиш орқали қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг илмий-педагогик асосларини тадқиқ қилиш;

қардош халқлар адабиёти намуналарини қиёсий ўқитиш орқали уларда ўша халқ руҳиятига хос хусусиятларнинг акс этганлигига эътибор қаратиш билан ўқувчиларда миллий бағрикенглик ва толерантлик туйғусини шакллантиришга эришиш;

глобаллашув шароитида қардош халқлар адабиёти таълими мисолида ўқувчиларни халқлар дўстлиги ва байналмилаллик руҳида тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш;

тадқиқот муаммоси юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил этиш орқали диссертацияда илгари сурилган ғоянинг илмий-методик таъминотини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикадаги таълим ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда қардош халқлар адабиётини ўқитиш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим тизимида қардош халқлар адабиётини қиёслаб ўқитишнинг шакл, восита ва методларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш асносида умумлаштириш, сўровнома, суҳбат, қиёсий таҳлил, компаративистика, математик-статистик таҳлил, социологик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фани бўйича яратиладиган дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларда қардош халқлар адабиётини ўқитишга доир интеграциялашув (ортиқча такрорларни бартараф этиш, кераксиз ахборотлардан халос қилиш, мустақил тафаккурни ўстириш) мезонлари мисоллар асосида далилланган;

умумтаълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишнинг назарий-методик (коммуникатив тайёрлов, адабий ўлкашунослик, маданий-эстетик босқичлари) тизими аниқланган;

қардош халқлар адабиётини ўқитишни илмий асосда йўлга қўйиш асосида ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини ошириш, дунёқараши ва тафаккурини ривожлантириш, этник илдизларнинг умумийлигига доир тасаввурларни уйғотиш, миллий толерантлик ва байналмилаллик туйғуларини шакллантириш технологиялари (ижодий топшириқлар, интерфаол методлар, савол-топшириқлар, назорат шакллари) ишлаб чиқилган;

қардош халқлар адабиётини ўқитиш мисолида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини шакллантиришнинг илмий-методик (илмийлик, тарихийлик, байналмилаллик, қиёсий таҳлил, бадиийлик, тушунарлик тамойиллари) тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишда таълим амалиётига илғор педагогик технологияларни жорий этиш технологияси такомиллаштирилган;

қардош халқлар адабиётини ўқитиш мазмунини янгилаш орқали ўқувчиларда умумий этногенетик илдизни билиш, қардошлик руҳини ҳис қилиш, ўзга миллатга хос руҳиятни англаш каби эзгу маънавий сифатларни шакллантириш модели яратилган;

қардош халқлар адабиётини ўқитиш орқали ўқувчиларда миллий бағрикенглик ҳамда этник толерантлик фазилатларини таркиб топтириш методикаси бойитилган.

қардош халқлар адабиётини илмий асосда йўлга қўйиш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, улар доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этилган таклиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишга концептуал ёндашиш тамойиллари яратилгани, мазкур адабиётларни ўқитиш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-методик тизимнинг амалиётга татбиқ этилгани, ҳар бир миллий адабиётда акс этган маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўқувчиларда умуминсоний хислатларни шакллантиришга, байналмилаллик, бағрикенглик, ўзгани англаш каби юксак маънавий сифатларни таркиб топтиришга хизмат қилиши далиллангани республикамизнинг таълим қорақалпоқ, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида олиб бориладиган мактабларида ўзбек адабиёти намуналарини, шунингдек, айрим минтақалардаги ўзбек мактабларида Махтумқули, Абай, Ч.Айтматов,

И.Юсупов каби ижодкорлар асарларини ўргатиш самарадорлигининг асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёслаб ўқитишнинг услубий дидактик таъминоти яратилганлиги, адабиёт ўқитиш методикасига янгича педагогик тафаккур асосида ёндашиш технологиялари ҳамда адабиётдан ўқув дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, олий ўқув юртинининг бакалаврият ва магистратура босқичлари учун қардош халқлар адабиётини ўқитиш юзасидан тайёрланадиган маъруза матнлари мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёслаб ўқитиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёслаб ўқитиш методлари ва тамойилларини такомиллаштириш, адабий таълимга компетент ёндашув мазмуни, 5–9-синфлар қозоқ адабиёти ўқув дастурларининг қиёсий таҳлилига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 89-06-103-сонли маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти, ўқув дастури ва адабиёт фани мазмуни такомиллаштирилган;

республикамиздаги таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш тизимига оид таклифлардан Тошкент давлат педагогика университетида 2015–2017 йилларда бажарилган А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4334-сонли маълумотномаси) Натижада таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш механизмининг амалиётга жорий қилиш имконияти ортган;

бўлажак ўқитувчиларда миллий бағрикенглик, толерантлик туйғуларини умуминсоний кадриятлар билан оптималлаштириш ва малакали кадрлар тайёрлашнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсиялар асосида “Қозоқ адабиёти тарихи” номли дарслик ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи, 892-029 рақамли гувоҳнома). Натижада олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг мотивацияси ҳамда билим даражалари ортишига эришилган.

қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишда самарадорликка эришиш мезонларига оид таклифлар қозоқ мактабларининг 6–8-синф қозоқ адабиёти

дарсликлари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2017 йил 24 февраль ва 2019 йил 5 мартдаги 1-сонли Илмий-методик кенгаш йиғилиши баённомасидан кўчирма). Натижада ўқитувчилар касбий компетенциясининг илмий-методик таъминоти амалга оширилган;

қардош халқлар адабиётини илмий асосда йўлга қўйиш бўйича ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини ошириш, дунёқараши ва тафаккурини ривожлантиришга оид таклифларидан Тошкент давлат педагогика университетида ИТД-1-165 рақамли “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш” номли лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1119-сонли маълумотномаси). Натижада қардош халқлар адабиётини ўқитишни назарий-методик асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 40 дан ортиқ илмий-услубий иш, жумладан, 1 та монография, 4 та дарслик, 5 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шулардан 12 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 5 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 245 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш – илмий-педагогик муаммо сифатида**” деб аталган биринчи боби икки параграфдан ташкил топган бўлиб, унда мустақил Ўзбекистонда яшаётган турли халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш ва ўргатиш нафақат бир географик макон, бир тарихий замонда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлаши, балки илмий-эстетик, ижтимоий-

сиёсий ҳамда антропологик аҳамиятга эгаллиги хусусида сўз юритилган. Тил, эътиқод ва руҳият жиҳатидан умумий илдизларга эга, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қардош туркий халқлар адабиётини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишда улар ўртасидаги муштарак нуқталарга эътибор қаратиш қардош халқларнинг янада яқинлашиш ва бир-бирларини тушунишларида муҳим ўрин тутади.

Бобнинг *“Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати”* номли илк параграфида умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўргатиш муаммосининг илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ҳал этилиши учун ундаги муҳим тушунчаларга аниқлик киритиш зарурлигига урғу қаратилади. Зеро, *“қардош халқлар”*, *“қардош халқлар адабиёти”* ва *“адабиётларни қиёсий ўрганиш”* тушунчаларининг мантикий чегаралари ва моҳиятининг аниқ белгиланиши тадқиқот иши самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу фаслда Ўзбекистондаги таълим-тарбия ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитишга муносабат, мавзуларга ажратилган вақт меъёри, ўқитиш усуллари ҳамда дидактик таъминоти масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилган. Мактабларда қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитишда бир хилликнинг йўқлиги ўқитишнинг ташкилий-методик жиҳатдан марказлашган ҳолда тизимли ташкил этилмаслигига олиб келган бўлиб, бундай бир хиллик *“Адабиёт”* ўқув дастури ва дарсликлари таҳлили ҳамда қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитишга ажратилган соатлар мисолида таҳлилга тортилган. Ўқиш учун материал ҳажми етарли бўлмаган ҳолатларда юзага келадиган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш йўллари баён этилган.

Дунёнинг бир бутунлигини тушуниш ва бошқалар билан ҳамжиҳат яшаш учун шахсда билим ва кўникмаларнинг умумийлик моҳияти акс этган планетар тафаккурини шакллантириш зарур. Бундай тафаккур эса ўзини ва ўзгаларни теран англаган одамлардагина бўлади. Маълумки, англаш билишдан пайдо бўлади. Қардош халқлар адабиёти қардошларни чуқурроқ билишга имкон берадиган қудратли воситадир. Шунинг учун ҳам қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш борасида самарага эришиш учун таълимнинг шу йўналишига хизмат қиладиган илмий-методик талаблар тизими ишлаб чиқиши муҳим саналади.

Биринчи бобнинг *“Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитишга қўйладиган илмий-методик талаблар”* деб аталган иккинчи параграфи айнан шу масалага бағишланган.

Қардош халқлар адабиётини ўқитиш самарали бўлишида танланаётган асарнинг бадиий савияси юксаклигига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки қардош халқлар адабиётининг савияси юқори бўлмаган асари билан танишиш ўқувчида шу халқнинг миллий адабиёти ҳамда менталитети хусусида нотўғри қараш шаклланишига олиб келади. Бадиияти юксак асар ўқувчиларнинг онги ва ҳиссиётига бирдай таъсир кўрсатади. Уни

фаоллаштириб, асарнинг шунчаки ўқувчисига эмас, балки ундаги воқеаларнинг иштирокчисига айлантиради. Шундай қилиб, мутолаа жараёнида ҳиссиёт уйғонади. Ҳиссиёт эса бошқаларни тушунишга олиб келади.

Қардош халқлар адабиёти намуналарини қиёсий ўқитишнинг самарали бўлиши учун таълим мазмуни белгиланаётганда, танланаётган асарда акс этган образ ҳамда воқеаларнинг ўқувчилар вакили бўлган халқниқига ўхшаш жиҳатлари кўпроқ бўлишига эътибор қаратилади. Қардош халқлар адабиёти билан таништиришда ўқувчиларни асарнинг ички мазмунини талқин этиш, мавзуни, тасвир предметини аниқлаш, энг муҳими, асарда қўйилган муаммога муаллиф муносабатини белгилашга йўналтириш адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитишда мазкур намуналар таржимасида аслиятдаги каби жозибadorлик ва бетакрорлик акс этсагина ўқувчининг ўз миллий асари каби қабул қилиниб, унинг шахс сифатида шаклланиши ва билимининг ортишига ижобий таъсир қилади. Акс ҳолда ўз тилида мислсиз таъсир кучига эга бўлган асар таржимада бор бадий тароватидан айрилиб, шунчаки ғариб битикка айланиб қолиши мумкинлиги ҳазрат Навоийнинг оламга машҳур “*Эмас бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ*” мисралари қорақалпоқ мактабларининг 8-синф “Адабиёт” дарслигида “*Emes an’sat, bul zaman ishinde turmaq, Nizamiy ranjesine ranje urmaq*” тарзида берилиши таржимада маснавийнинг вазни, маъноси кўпол равишда бузилгани, мисралардаги жозоба бутунлай йўқолиб, жўн сўзларга айланиб қолгани мисолида кўрсатилади.

Қардош халқлар адабиётини ғоявий-тематик жиҳатдан қиёслаш натижасида адабиётлар ўртасидаги муштараклик эртақлар ва уларнинг қаҳрамонлари (Аёзбобо, Алдарқўса, Насриддин афанди, Семурғ каби образлар), халқ кўшиқлари (“Ёр-ёр”, “Жар-жар”), “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби фольклор намуналари, Алишер Навоий ва Абай, Махтумқули ва Ажиниёз, Мухтор Авезов ва Чингиз Айтматов, Абдулла Қодирий ва Берди Кербобоев ижодининг қиёсий ўрганилиши мисолида боб мазмунига сингдирилган.

Тадқиқот ишининг “**Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитиш методикасини янгилашнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган иккинчи бобида қардош халқлар адабиётини ўқитиш ишларини ташкил этишда илмий, психологик, педагогик, методик тамойиллар белгиланиши масаласи ёритилган. Мазкур бобда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш ёки адабиётшуносликда компаративистика деб аталмиш тушунчанинг моҳиятини аниқлашга эътибор қаратилган.

Бобнинг биринчи параграфи “*Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишнинг илмий-назарий асослари*” тарзида номланган бўлиб, унда камида икки миллатга доир адабий ҳодиса

солиштирилиши ва адабиётлар ўртасидаги ўхшашликнинг томирлари жамиятлар ва халқлар тарихидан қидирилиши масалалари таҳлил қилинган.

Таъкидлаш керакки, компаративистика илми билан умумтаълим мактабларида қардош халқлар адабиётларини қиёсий ўрганиш бир хил ходиса эмас. Филологик компаративистика бир-бирига қиёсланаётган бадиий матннинг моҳиятини англашга қаратилган фаолият бўлса, педагогик компаративистика солиштирилаётган матнлар моҳиятини англаш орқали ўқувчиларда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган фаолият туридир. Демак, адабий компаративистика учун илмий-эстетик, адабиётни қиёсий ўқитиш учун эса маънавий-педагогик мақсад устувор бўлади.

Қардош халқлар адабиётини қиёслаб ўқитишни самарали ташкил этиш учун зарур бўлган илмий-назарий талаблардан бири ўқувчиларга тавсия қилинаётган материаллар уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳамда интеллектуал имкониятларига мос келишидир. Бу борада таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар адабий таълимига янгиланган педагогик талаблар, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мувофиқ тузилган ўзбек мактабларининг “Адабиёт” ўқув дастуридаги ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Айни вақтда дастур бўйича намуналари ўқитилиши кўзда тутилган қардош халқлар адабиёти ўша тилда олиб бориладиган мактабларда қай йўсинда йўлга қўйилганини ҳам пухта билиш ва ҳисобга олиш таълим самарадорлигига хизмат қилиши қайд этилган. Ўзга адабиётлар қандай ўқитилишини билмай туриб, қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишда муваффақиятга эришиб бўлмаслиги 5-sinf “A`debiy o`qish” (қорақалпоқ адабиёти), 5–6-синфлар “Қазақ әдебиеті” (қозоқ адабиёти) дарсликлари мисолида ёритилган.

Ушбу параграфда қардош халқлар адабиётини ўқитишда таяниладиган илмийлик, тарихийлик, байналмилаллик, мактаб адабиётининг ҳам санъат, ҳам фан эканлигини ҳисобга олиш, қиёсий таҳлил, бадиийлик, тушунарлилик ва этномаданий хусусиятлар каби тамойиллар адабий таълим самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асоси бўлиши тадқиқ қилинган.

Ўзга тилдан таржима қилинган асарларнинг бадиий тил хусусиятларигина эмас, балки ўзга миллат кишиларнинг руҳияти, турмуш тарзи, урф-одатларнинг ўзгачалиги билан боғлиқ тасвирлар, тарихий жой номлари ва тарихий шахслар шарҳлаб ўрганилсагина, ўқувчилар мавзу моҳиятига чуқурроқ тушунишлари мумкинлиги, бу борада бадиий асарларнинг лингвистик ва тарихий-адабий шарҳлари, бадиий асар тилини ўрганишдаги лингвистик ва стилистик йўналишлар қўл келиши илмий асосланган.

Ушбу бобнинг “Қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш воситасида қардош миллатлар руҳиятини англаш усуллари” номли иккинчи параграфида қардош халқлар адабиёти бирор миллат ўқувчиларини қардош халқлар адабиётидан шунчаки хабардор қилиш учунгина эмас, балки муайян

халқ руҳиятини англатиш орқали уларни бир-бирига яқинлаштириш мақсадида ўқитилиши кераклиги назарда тутилади. Бадиий адабиёт миллий руҳиятни ифодалашнинг энг самарали воситаси бўлгани учун ҳам қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишда муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Адабиёт ўқитувчиси қардош халқ адабиётидаги бирор асар билан таништирар экан, биринчи навбатда, унда ўша асар мансуб бўлган миллатнинг психологияси қай даражада акс этганлигига эътибор қаратиши керак. Бу жиҳатдан фольклор асарлари жуда катта имкониятларга эга. Негаки, замонавий асарларда миллатга хос хусусиятлар руҳият тасвири асносида кўрсатилса, оғзаки ижод намуналарида улус психологияси оммавий кўринишда намоён бўлади.

Бир қатор халқларнинг умумий бадиий-эстетик мулки бўлмиш халқ дostonларини қиёсий ўрганиш ҳар бир қардош халқнинг ўзига хослигини англаш борасида имкониятларга эга. Бу борада “Алпомиш” дostonининг ўзбек версиясидаги қозоқ ва қорақалпоқ версияларидан фарқли жиҳатлари акс этган ўринларга урғу берилади. Қозоқ мактабларининг 6-синфида ўрганиладиган “Қирққиз” қорақалпоқ халқ дostonига оид бир соатлик дарс таҳлили мисолида бадиий асарларда халқнинг миллий руҳиятига хос жиҳатларнинг қандай намоён бўлиши кўрсатилади. Бирор қардош халқнинг адабиётига мансуб асар миллий адабиёт намунаси билан қиёслаб ўрганилаётганда, ўртадаги фарқдан кўра умумий жиҳатларга ўқувчилар эътиборини тортиш ўша халқни теранроқ тушуниш имконини беради.

Таълим тизими олдида турган вазифалар билан амалий педагогик фаолият натижаларининг ҳамиша ҳам тўла мос келавермаслиги таълим муаммоларини чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо қилади. Таълим жараёнини жамият талабларига мувофиқ келадиган даражага келтириш учун эскирган ёндашувлардан қутулиб, унга жамият тараққиётининг бугунги талабларига мос келадиган инновацияларни жорий қилиш зарур.

Диссертациянинг **“Мактабда қардош халқлар адабиётини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикаси”** деб номланган учинчи боби айнан шу масалага бағишлангани билан характерлидир.

Бобнинг *“Қардош халқлар адабиётини ўқитишда таълим мазмунини тўғри белгилаш омиллари”* параграфида мазмунан таълим тизими асосини ташкил этувчи бир қатор илмий тамойилларга амал қилиш муҳимлигига эътибор қаратилади. Қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитишда самарадорликка эришиш бўйича таълим мазмуни тўғри белгиланишини таъминлаш зарур. Бунинг учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг илмий-методик жиҳатдан давр талабларига жавоб берадиган йўсинда яратилиши мақсадга мувофиқ. Таълим мазмунининг фан тараққиёти ва жамиятдаги ўзгаришлар туфайли зарур бўлган билимлар билан тўлдириб борилиши ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни мунтазам равишда янгилаб боришни тақозо этади.

Ушбу параграфда таълим-тарбия ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дастурлари ва дарсликлари ҳамда уларни яратишдаги ёндашув масалалари қиёсий таҳлилга тортилган. “Адабиёт” ўқув дастурлари, дарсликлар ва улар таркибидаги рукнларни номлашда умумий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги синфлар кесимида тилга олинган. Бундай ёндашувлар ўқувчиларда шакллантирилиши кўзда тутилаётган интеллектуал ва маънавий сифатлар ривожига салбий таъсир кўрсатиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Қардош халқлар адабиёти намуналарини танлашда асосий эътиборни ўқувчи ҳаёти давомида қўллаши мумкин бўлган ҳолатлар акс этган асарларга қаратиш муҳимлиги масаласи ҳам мазкур параграфнинг асосини ташкил этади. Таҳлилий ўрганишлар натижасида адабиёт дастурларида қардош халқлар адабиётига доир мавзуларнинг методик ва мантиқий жиҳатдан тизимлаштирилмаганлиги, дастур, дарслик ва мажмуалар ўртасидаги номувофиқлик, соатлар миқдорининг ўрганилаётган асарлар ҳажмига тўғри келмаслиги, фанлараро интеграцияга эътиборсизлик, назарий тушунчаларнинг тизимсиз ва такрор берилиши каби нуқсонлар аниқланган.

Бобнинг иккинчи параграфи “*Қардош халқлар адабиёти намуналарини ўргатиш самарадорлигини ошириш амалиёти*” масаласига бағишланган бўлиб, таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактаблардаги ўқитиш жараёнида турли таълимий усул ва воситалардан фойдаланиш заруриятига кенг ўрин берилади. Бундай усуллардан бири бўлмиш конференция дарси ижобий самара бериши мумкинлиги қозоқ мактабларининг 9-, ўзбек мактабларининг 7-, туркман мактабларининг 8-синфларида Бердақ ижоди намуналарини ўрганиш мисолида кўрсатилган.

Адабиёт фани бўйича ўтказиладиган конференция дарсларининг ютуғи ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириши, адабий-назарий тушунчаларини бойитиши, мустақил ижодий ишларга иштиёқ уйғотиши, ўз фикрларини маъноли ва аниқ ифодалашга ўргатиши ҳамда синфдаги барча ўқувчиларни фаолиятга чорлаши билан белгиланади.

Диссертацияда муаммоли дарсни таълим-тарбия ишлари қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфида ўрганиш режалаштирилган Алишер Навоийнинг “Хамса” асарини, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” достонини ўтиш асносида ҳам қўллаш мумкинлигига доир тавсиялар берилган.

Қардош халқлар адабиётини ўрганишни оптималлаштириш ва интенсивлаш давомида ўқувчиларнинг ўқув-билув мустақиллиги ва фаоллиги ортади, китобхонлик маданияти такомиллашади, оғзаки ва ёзма нутқи ривожланади, уларда глобал тафаккур шаклланади. Эндиликда ёш авлоднинг чуқур билим олишини таъминлаш самарадорлигига эришиш, тараққиёт жараёни умумбашарий кўлам касб этган пайтда ахборотлар оқимидан зарур маълумотларни саралаб, аниқ қўллай билиш долзарб масала бўлиб қолди. Шунинг учун ўқитишда интерактив методларга мурожаат қилиш,

Ўқитишнинг янги технологияларини излаш ҳар бир ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим.

Маълумки, мультимедик технологиялар ёрдамида бугунги кунда ҳар бир киши ўзи ҳақидаги маълумотлар ва фоторасмларни, ҳатто ўз овозини интернет тармоғига улаш имконига эга. Шундай имкониятдан қардош халқлар адабиёти намуналарини қиёсий ўқитиш машғулотларида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг **“Адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишда адабий алоқаларга доир маълумотларнинг ўрни”** деб номланган тўртинчи бобда ўқувчиларнинг билиш ва ижодий ўқиш фаоллигини ошириш адабий алоқаларни ўрганиш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарт сифатида белгиланади.

Мазкур бобнинг *“Қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитишда адабий алоқаларга доир маълумотлардан фойдаланиш методикаси”* деб номланган параграфида қардош халқлар адабиётини ўқитишда адабий алоқаларга оид материаллардан умумлаштирувчи ва монографик мавзуларни ўрганишда фойдаланиш, бу борада сўровнома, суҳбат, китобхон кундаликлари, радиоэшиттириш, телекўрсатув, бадиий фильмлар намойиши, кўргазмаларга доир билимларни фаол ўзлаштиришни талаб қиладиган иш усуллари мазмуни очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Қардош халқлар адабиёти намуналарини қиёсий ўқитишнинг бир қатор илмий-эстетик тамойиллари мавжудки, уларга амал қилинган тақдирдагина адабий таълим самарадорлигига эришиш мумкин. Бундай тамойилларнинг энг биринчиси узвийликдир. Бунда ўқувчиларда ўз миллий адабиётлари ва турдош фанларга оид аввал шакллантирилган билимлардаги умумий жиҳатларга таяниш ҳамда қардош адабиётлар намунасини ўқишда уларни фаоллаштириш ғоят муҳим дидактик талаб эканлиги кўзда тутилади. Адабий алоқаларга оид маълумотлар илмийлик тамойилига мос бўлмоғига эришилмоғи зарур. Бу эса адабий алоқалар ёзувчиларнинг ўзаро борди-келдилари тафсилоти эмас, балки адабиётларнинг тарихий тараққиётидаги ижодий анъаналарнинг умумий қонуниятга эга ижтимоий ҳодиса эканлигини назарда тутати.

Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш таълим-тарбия жараёнини қизиқарли тарзда уюштириш, ўқувчиларнинг адабий-эстетик дидини ҳар жиҳатдан тарбиялаш вазифасини ҳал этишда катта имкониятларга эгаллигини кўрсатади.

Ўқитиш ишлари қозоқ тилида юритиладиган мактабларда қозоқ-ўзбек, қозоқ-қирғиз, қирғиз мактабларида қирғиз-ўзбек, қирғиз-қозоқ адабий алоқалари тарихига мурожаат қилиш шулар жумласидандир. Ғафур Ғулом билан Собит Муқонов ўртасидаги муносабатларга доир, Ч.Валиханов, М.Авезов ва бошқа қозоқ олимларининг “Манас” асарини ўрганиш юзасидан олиб борган тадқиқотлари ҳақидаги маълумотларнинг етказилиши бу ижодкорлар асарларининг қардош халқлар ўқувчилари томонидан қизиқиб ва севиб ўрганилишини таъминлайди.

Бобнинг “*Ўрта мактабларда қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий-педагогик омиллари*” номли иккинчи параграфиди қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитиш самарадорлигини оширишда адабий-назарий тушунчаларни ўргатиш мазмунини такомиллаштириш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши борасида сўз юритилган:

1. Адабий-назарий тушунчаларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш ва уни янгиланаётган илмий тафаккур талаблари асосида тизимлаштириш.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида ўрганилиши керак бўлган адабий-назарий тушунчаларнинг оптимал ҳажмини белгилаш.

3. Ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган адабий-назарий тушунчалар бадиий асарнинг улар томонидан ҳиссий қабул қилиниши ва асар жозибадорлигини таъминлаган омилларнинг англаб етилишига эришиш.

4. Адабий-назарий тушунчаларни ўрта мактабда ўргатишга доир методик тавсиялар туркумини ишлаб чиқиш.

5. Қардош халқлар адабиёти намуналари билан танишиш ва уларни таҳлил қилишда қўл келадиган назарий тушунчаларнинг дарсликлардан ўрин олишини таъминлаш.

5–6-синф ўқувчилари у ёки бу қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатига сабаб бўладиган ҳаётий, руҳий ёки ижтимоий мотивлар хусусида чуқур ўйлай олмайдилар. Шундан келиб чиқиб, адабий таълимда ўқувчиларнинг ёшига қараб қайси синфда қандай ўқув-билув мақсадлари қўйилиши аниқ белгилаб олиниши керак.

Диссертациянинг “**Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитишга доир тажриба-синов ишлари таҳлили**” номли сўнгги бобининг биринчи параграфи “*Мактабда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни*”га бағишланган бўлиб, қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқитиш кўп қиррали ва мураккаб илмий-педагогик муаммо эканлиги; илмий тадқиқотларда қардош халқлар адабиётини ўқитиш муаммоси методик аспектда ўрганилмагани; қардош халқлар адабиёти намуналарини танлаш, синфлар бўйича тақсимлаш, уларни ўргатиш йўллариини белгилаш борасида бир хил илмий-методик ёндашувнинг йўқлиги; қардош халқлар адабиёти намуналарини ўргатиш бўйича дастур, дарслик ва қўлланмаларга ёндашув тизими ишлаб чиқилмагани ва ўқитиш ишларининг стихияли тарзда ўз ҳолича ташкил этилаётгани; қардош халқлар адабиёти намуналарини ўргатиш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва биргаликда амалга ошириш зарурлиги каби ҳолатлар ҳисобга олинган.

Таъкидловчи, шакллантирувчи, яқунловчи босқичларда олиб борилган тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-, Қибрай туманидаги 9-, Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 21-, 62-, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги 31-, Хўжайли туманидаги 18-, 19- мактаблар ўқувчилари жалб қилинган.

Тажриба синфларида дарсга тайёргарлик чоғида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини, мустақил фикрлашини рағбатлантиришга қаратилган усуллардан фойдаланилди. Қардош халқлар адабиётларининг ўзаро адабий алоқаларига оид репродуктив суҳбат асосидаги дарсларда ўқувчиларнинг миллий адабиётлар бўйича билимларини мустаҳкамлаш назарда тутилди. Хусусан, Бектемир туманидаги 290-мактабнинг 6-^{“А”} (тажриба) ва 6-^{“Б”} (назорат) синфларида Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”, Қибрай туманидаги 9-мактабнинг 9-^{“А”} (тажриба) ва 9-^{“Б”} (назорат) синфларида М.Авезовнинг “Абай йўли”, Бахмал туманидаги 21-, 62-мактабларнинг 7-^{“А”} (тажриба) ва 7-^{“Б”} (назорат) синфларида Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун”, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги 31-мактабнинг 8-^{“А”} (тажриба) ва 8-^{“Б”} (назорат) синфларида Бердакнинг “Халқ учун”, Хўжайли туманидаги 18-, 19-мактабларнинг 8-^{“А”} (тажриба) ва 8-^{“Б”} (назорат) синфларида Б.Кербобоевнинг “Дадил қадам” асарлари таҳлили воситасида ўқувчиларнинг миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларига доир билимларни ўзлаштириш даражаси аниқланди. Ҳар бир мавзу бўйича икки-уч манба асосида тайёрланган ўқувчилар ахбороти тингланди. Натижалар қўлланилган қиёсий таҳлил методининг афзалликларини тасдиқлади.

Тажриба майдонларига тегишли синф ўқувчиларига тарқатилган қўйидаги сўровномага олинган жавоблар тажриба синфларида ўқувчиларнинг адабий алоқаларга, адабиётларнинг миллий ва муштарак хусусиятларига бўлган қизиқишлари ортганлигини кўрсатди.

Тажриба-синов ишлари давомида:

а) Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Абай, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Чингиз Айтматов, Махтумқули, Берди Кербобоев, Бердак сингари шоир ва ёзувчилар асарларининг қиёсий таҳлили мисолида ўқувчилар қардош халқлар адабиётининг муштарак ва фарқли хусусиятлари билан яқиндан таништирилди;

